# Ishonch

*Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!*

2021 йил
**2 март**
сешанба
**№ 28**
**(4468)**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz




**ЗУЛФИЯ**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## *Баҳор келди сени сўроқлаб*



*Салқин саҳарларда, бодом гулида,*
*Бинафша лабида, ерларда баҳор.*
*Қушларнинг парвози, елларнинг нози,*
*Бахмал водийларда, қирларда баҳор.*

*Қанча севар эдинг, бағрим, баҳорни,*
*Ўрик гулларининг эдинг мафтуни.*
*Ҳар уйғонган куртак, ҳаёт берган каби*
*Кўзларингга суртиб ўпардинг уни.*

*Мана қимматлигим, яна баҳор келиб,*
*Сени излаб юрди, кезди сарсари.*
*Қишнинг ёқасидан тутиб сўради сени,*
*Ул ҳам ёш тўкди-ю, чекилди нари.*

*Сени излар экан, бўлиб шаббода,*
*Сен юрган боғларни қидириб чиқди.*
*Ёзиб кўрсатай деб ҳусн-кўркини,*
*Яшил қирғоқларни қидириб чиқди.*

*Топмай сабри тугаб бўрон бўлди-ю,*
*Жарликларга олиб кетди бошини.*
*Фарҳод тоғларидан дарагинг излаб,*
*Сойларга қулатди тоғнинг тошини.*

*Сўнгра жило бўлиб кирди ётоғимга,*
*Ҳулкар ва Омоннинг ўпди юзидан.*
*Сингиб ёш куйдирган зафар ёноғимга*
*Секин хабар берди менга ўзидан.*

*Лекин ётоғимда сени тополмай,*
*Бир нуқтада қолди узоқ тикилиб.*
*Яна ел бўлди-ю, кезиб сарсари,*
*Мендан сўрай кетди қалбимни тилиб:*

*«Қани мен келганда кулиб қаршилаб,*
*Қўшиғи мавжланиб бир дарё оққан?*
*«Бахтим борми дея», яккаш сўроқлаб*
*Мени шеърга ўраб сукланиб боққан?*

*Ўрик гулларига тўнмайди нега*
*Елда ҳилпиратиб жингала сочин?*
*Нега мен келтирган шўх наъшидага*
*Пешвоз чиқмайди у ёзиб қулочин?*

*Қани ўша куйчи, хаёлчан йигит?*
*Нечун кўзингда ёш, туриб қолдинг лол.*
*Нечун қора либос, сочларингда оқ,*
*Нечун бу кўкламда сен паришонҳол?»*

*Қандай жавоб айтай, лолдир тилларим,*
*Баридан тутдим-у, кетдим қошингга.*
*У ҳам ғаминг билан кезди афтода,*
*Боқиб туролмайин қабринг тошига.*

*Аламдан тутоқиб дарахтга кўчди,*
*Куртакни уйғотиб сўйлади ғамнок.*
*Сенинг ёдинг билан елиб беқарор,*
*Гуллар ғунчасини этди чок-чок.*

*Гул-у райҳонларнинг таралди атри,*
*Самони қоплади майин бир қўшиқ.*
*Бу қўшиқ нақадар ошно, яқин,*
*Нақадар ҳаётбахш, оташга тўлиқ.*

*Баҳорги бурканган сен севган элда,*
*Овозинг янгради жўшқин забардаст.*
*Ўлмаган экансан, жоним, сен ҳаёт,*
*Мен ҳам ҳали сенсиз олмадим нафас.*

*Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,*
*Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.*
*Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,*
*Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!*



# ШЕЪРЛАРИ БАҲОРНИ ЧОРЛАГАН ШОИРА

*Ҳар йили мамлакатимизда баҳорнинг илк куни Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллуди билан уйғун нишонланади.*

Бу гал ҳам Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Адиблар хиёбонидаги Зулфия ҳайкали пойида адабиёт мухлислари, ёзувчи ва шоирлар, кенг жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар жам бўлди.

Тадбирда иштирокчилар атоқли шоира Зулфия ижодида Ватанни, одамларни, табиат, борлиқни севиш, қадрлаш, ҳаётнинг, қадрдонларнинг қадрига етиш, меҳр-садоқат, чин инсонийлик, самимият тараннуми муҳим ўрин тутишини таъкидлашди.

Тадбир иштирокчилари Зулфия ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Бу каби тадбирлар мамлакатимиздаги барча ўқув масканларида, кутубхоналарда, маҳаллалар, ижодий ташкилотларда ҳам бўлиб ўтди.

**ЎзА**



**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН**

**1092 –**

**қисқа рақамли «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ – «Call-center»га**

**меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин.**
**Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда.**
**Бу ерда барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади.**
**Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг доимий эътиборида!**

**Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган**

**12-11** **қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га**

**мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.**

**Ҳамкорлик**

# Тармоқ келишувлари имзоланди



**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда мазкур соҳага алоқадор вазирликлар, жамоат ташкилотлари ҳамда ижодий уюшмалар ўртасида Тармоқ келишувларини имзолашга бағишланган тадбир ўтказилди.**

Унда Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, «Ўзбеккино» давлат унитар корхонаси, Бадиий академия раҳбарлари ва мутасаддилари, тармоқ касаба уюшмаси фаоллари, маданият, спорт ва санъат соҳаси намояндалари ҳамда фахрийлар иштирок этди.

Маълумки, кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барча соҳаларда бўлгани каби маданият, туризм ва спортга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Касаба уюшмалари фаоллигини ошириш, маданият, спорт ва туризм соҳасида меҳнат қилаётган ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида ўтган йили Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташкил этилган эди. Қисқа вақт ичида тармоқ касаба уюшмаси ўз сафида 1173 та бошланғич ташкилот ҳамда тармоқ ташкилот ва муассасаларида меҳнат қилаётган 91 минг 329 нафар маданият, спорт ва туризм соҳалари ходимларини бирлаштиришга муваффақ бўлди.

**4**



## Кун нафаси

Президент **Шавкат Мирзиёев** 1 март куни Сирдарё вилоятининг инвестиция лойиҳалари тақдимоти **билан танишди.**

* * *

Бишкек шаҳрига амалий ташриф билан борган Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири **Абдулазиз Комилов** Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров томонидан қабул қилинди.**

* * *



Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири **Абдулазиз Комилов** 1-2 март кунлари **Россия Федерациясида** амалий ташриф билан **бўлади.**

* * *

Ҳиндистон маданий алоқалар кенгаши президенти **Винай Саҳасрабуддҳе бошчилигидаги делегация** мамлакатимизда бўлиб турибди.

* * *



Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири **Сардор Умурзоқов** мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Туркия Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси **Меҳмет Сурейя Эр билан учрашув ўтказди.**

* * *

**Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва** Қозоғистон Республикаси **Шарқий Қозоғистон вилоятининг ваколатли органлари** вакиллари **ўртасида** видеоконференцалоқа шаклида **учрашув** ўтказилди.

* * *



**«Amirsoy Mountain Resort» ҳудудида** «Ўзбекистоннинг ички туризмини инновация, спорт, инвестициялар орқали ривожлантириш» доирасида мамлакатнинг етакчи тадбиркорлари иштирокида **«Бизнес куни»** ўтказилди.

* * *

**1 мартдан** Ўзбекистонда тадбиркорлар йўлларга камера ва радарлар ўрнатиш **ҳуқуқига эга бўлди.**

* * *



**250 нафар юртдошимиз** ишлаш учун **Россия Федерациясига жўнаб кетди.**

* * *

«Uzbekistan Airways» авиакомпанияси **«Урганч-Истанбул-Урганч»** ҳамда **«Фарғона-Истанбул-Фарғона»** йўналишларида **янги мунтазам қатновлар**ни йўлга қўйди.

* * *

Жорий йилда **4 миллион 112 минг 668 нафар юртдошимиз** «COVID-19»га қарши вакцина билан **бепул эмланади.**

* * *



**Туркия 2023 йилда Ойга** мамлакатда ишлаб чиқилаётган ракета ёрдамида бошқарувчисиз фазовий қурилмани **юборишга тайёрланмоқда.**


**Келгуси сонларда ўқинг...**

**Сиз борсизки, олам мунаввар...**

**ШЕЪРИЯТ «ШЕРЛАРИ»НИНГ ШЕЪРЛАРИ...**
**ёхуд шу номдаги туркум мақолаларнинг биринчиси**

**ОЁҚ ОСТИДАГИ ОСТОДОНЛАР**
**улар нега мозий қўриқчилари эътиборидан четда қолмоқда?**



Жамоа шартномалари муҳокамаси:

# БОШ МАҚСАД – ХОДИМЛАР МАНФААТИ ВА ҲИМОЯСИ

*Айни пайтда жамоа шартномалари бажарилиши муҳокамасига бағишлаб корхона, ташкилот ва муассасалар меҳнат жамоаларининг умумий йиғилиш (конференция)лари қизғин паллага кирди. Жорий йил февраль ойи якунлари ҳолатига кўра, касаба уюшмаларига аъзо ташкилотлардан ярмига яқинининг йиғилишлари ўтказилди. Юқори касаба уюшмаси органлари, яъни Федерация Кенгаши, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, уларнинг ҳудудлар бўйича масъул ташкилотчилари, туман (шаҳар) кенгашлари вакиллари қатнашаётган йиғилишларда меҳнаткашлар томонидан кўтарилаётган муаммо ва таклифларнинг республика даражасида ҳал бўладиганлари умумлаштирилиб, Федерация Кенгашига тақдим этилаётган бўлса, тармоқлар, ҳудудлар миқёсида ҳал бўладиганлари бўйича ижтимоий шериклар билан биргаликда ишлар олиб борилмоқда.*

*Хоразм вилояти*

## Шартлар тўлиқ бажарилдими?

**Урганч шаҳридаги «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейида ўтказилган йиғилишда маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2020-2021 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2020 йилда бажарилиши муҳокама қилинди.**

Тадбирда бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳабиб Раҳимов ўз ҳисоботида 22 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилганини, алоҳида рўйхатда келтирилган ходимлар махсус кийим-бош, гигиеник воситалар билан таъминланганини айтиб ўтди. Ўтган йили пенсия ёшига етган 3 нафар ходим рағбатлантирилиб, 10 нафар ходимнинг тарихий шаҳарларга саёҳати ташкил қилингани қайд этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бўлим мудири Зафар Набиев жамоа шартномасининг барча шартлари бажарилиши ходимлар манфаатдорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгалигини айтиб, касаба уюшмаларининг аъзолар манфаатларини ҳимоялаш борасида олиб бораётган чора-тадбирлари ҳақида ахборот берди.

Йиғилишда жамоа шартномасига 2021 йил учун 20 дан зиёд қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Очиқ ва самимий мулоқот давомида кўплаб масалаларга ечим топилди.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
«ISHONCH»



*Бухоро вилояти*

## Аъзолар ҳаммасидан хабардорми?



Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши томонидан вилоят Марказий банк бош бошқармасида 2019-2021 йиллар учун тасдиқланган жамоа шартномасининг 2020 йилда бажарилиши якунларига бағишланган умумий йиғилиш муҳокамаси бўлиб ўтди.

Йиғилишда Бош бошқарма жамоа шартномасининг 2020 йилда бажарилиши якунлари тўғрисида иш берувчи номидан бошқарма бошлиғи ўринбосари Н.Бўронов ҳамда касаба уюшма қўмитаси раиси Х.Шариповнинг ҳисоботи тингланди.

Сўнг сўзга чиққан мутахассислар касаба уюшмасига аъзолик афзалликлари, жамоа шартномаси нима мақсадда тузилиши ва ўз ичига нималарни қамраб олиши ҳақида аъзоларга тушунтириш берди.

**Х.ШАРИПОВ,**
Бухоро вилояти Марказий банк бош бошқармаси бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

*Сурхондарё вилояти*

## Қўшимчалар киритилди



**«Ўзбекистон почтаси» Сурхондарё вилояти филиали касаба уюшма қўмитасининг жамоа шартномалари бажарилиши якунларига бағишланган конференцияси бўлиб ўтди.**

Йиғилишда жамоа шартномасида белгиланган вазифаларнинг ўтган йилдаги ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилган ишлар юзасидан иш берувчи вакили сифатида филиал директори Қ.Ҳамроев ва касаба уюшма қўмитаси раиси Қ.Қулсахатов меҳнат жамоасига ўз ҳисоботларини ўқиб эшиттирди.

Тадбирда тизимда узоқ йиллар ишлаган ходимларнинг иш ҳақига қўшимча устамалар тўлаш, меҳнат таътилини ходимнинг хизмат вазифаси, зарарли ишлардаги фаолияти ва бошқа жиҳатларига эътибор берган ҳолда тузиш бўйича бир қатор таклифлар берилиб, қўшимчалар жамоа шартномасига киритилди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
«ISHONCH»

*Қашқадарё вилояти*

## Соғлом муҳит бўлсагина ўсиш юз беради

**Қарши ихтисослаштирилган санъат мактаби меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида жамоа шартномасининг ўтган йилда бажарилиши муҳокама қилинди.**



Унда ихтисослаштирилган санъат мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси Қаҳрамон Ғаффоров маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси маблағи ҳисобидан коронавирус билан касалланган ҳамда яқинлари вафот этган ходимларга моддий ёрдам кўрсатилганини таъкидлаб ўтди. Кам таъминланган ва нафақадаги ходимларнинг ҳолидан хабар олиниб, озиқ-овқатлар тарқатилди.

Кун тартибидан ўрин олган музокаралар жараёнидан сўнг 2021-2023 йилларга мўлжаллаб тузилган янги жамоа шартномаси лойиҳаси кўриб чиқилиб, қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси Эътиборхон Раҳмонова янги жамоа шартномаси макетига киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг моҳияти ҳақида атрофлича сўз юритди.

**Акмал АБДИЕВ,**
«ISHONCH»

*Тошкент шаҳри*



## Билдирилган таклифлар асосида

**Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институтида жамоа шартномасининг 2020 йилда бажарилиши юзасидан йиғилиш ўтказилди.**

Унда маъмурият ва бошланғич касаба уюшмасининг бажарган ишлари юзасидан томонларнинг маърузалари тингланди. Қатнашчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилиб, билдирилган таклифлар асосида касаба уюшма қўмитасининг келгусида амалга оширадиган ишлари белгилаб олинди. Кўтаринки руҳда ўтган тадбирда 2021-2023 йилларга мўлжалланган янги жамоа шартномаси муҳокама этилиб, қабул қилинди.

**Шерзод ЖЎРАЕВ,**
ЎзФА бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

*Наманган вилояти*

## Бир овоздан маъқулланди

**Наманган вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказида 2018-2020 йиллар учун маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг 2020 йилда бажарилиши ҳамда 2021-2023 йилларга тузилган янги жамоа шартномасини тасдиқлаш юзасидан кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.**

Йиғилишда марказ директори И.Раҳимов ҳамда касаба уюшма қўмитаси раиси А.Бўстоновнинг ҳисоботлари тингланди.

Муҳокамадаги масалалар юзасидан йиғилиш қарори қабул қилинди. Йиғилиш сўнгида марказнинг фаол ўқитувчилари шаҳар бўлинмаси кенгашининг эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

Бундан ташқари, Наманган тумани тиббиёт бирлашмасида ҳам жамоа шартномасига бағишланган умумий йиғилиш бўлиб ўтди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти бўлинмасига қарашли ушбу тиббиёт марказининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси касаба уюшмаси аъзолари томонидан тасдиқланиб, бир овоздан маъқулланди.

**Орзугул РУСТАМОВА,**
«ISHONCH»



*Самарқанд вилояти*

## Ишчиларга тақсимланган миллиардлар

**«Жомбой дон маҳсулотлари» АЖнинг 2020-2022 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасида ходимларни рағбатлантиришга алоҳида ўрин берилган. Ишчиларни илҳомлантиргани, бу корхона фойдасидан уларга ҳам улуш ажратилиши кўзда тутилгани бўлди. Ўтган йилда мураккабликларга қарамай корхона иқтисодий ўсишга эришди. Ваъда қоғозларда қолиб кетмади.**



Жамоа шартномаси ижроси муҳокамасига бағишланган йиғилишда раҳбарият «ер чизиб» қолмади. Маъмурият томонидан бажарилган диққатга сазовор ишлар ёруғ юз билан қайд этилди. Жумладан, корхона фойдаси ҳисобидан 15 нафар кам таъминланган оила, янги турмуш қурганларга замонавий намунадаги уйлар қуриб берилди. Бундан ташқари, йил якуни сарҳисобидан сўнг соф фойданинг 1 миллиард 200 миллион сўми ишчиларга қўшимча иш ҳақи сифатида тақсимланди.

Меҳнатга яратилган муносиб шароит ва рағбат «Жомбой дон маҳсулотлари» АЖ ютуқларига гаров бўлаётир.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
«ISHONCH»

*Фарғона вилояти*



## Барчаси бадастирми?

**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ёзёвон тумани кенгаши тасарруфидаги 31-мактабда 2020-2022 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2020 йилда бажарилиши якунлари ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан йиғилиш ўтказилди.**

Кун тартибидан ўрин олган масалалар бўйича мактаб раҳбари ҳамда касаба уюшма қўмитаси раисининг ҳисоботи тингланди.

Унда касаба уюшмасининг ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, яратилган қулай ва хавфсиз меҳнат шароити, одамлар саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар бирма-бир айтиб ўтилди. Ишчи-ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш жамоа шартномасида ўз аксини топганига алоҳида урғу берилди.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
«ISHONCH»

Андижон вилояти

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ДИҚҚАТИГА!**

**Бўстон тумани ҳокими Садбархон Мамитованинг «Соя қани?» дея фермерларни қистовга олгани акс этган аудиоёзув кўпларнинг ёдидан кўтарилмаган бўлса керак. Эслайлик: маҳаллий амалдор ҳосилнинг ҳисобини сўрар экан, гарчи пахта режасини 120 фоизга бажарган бўлса-да, «соянi 5 тоннадан 1 грамм ҳам кам топширган» фермерларнинг ерини олиб қўйиш билан таҳдид қилган эди. Ўтган йил октябрь ойида рўй берган воқелик жамоатчилик томонидан озмунча эътирозларга сабаб бўлмади ахир!**



# ҒЎЗА ОРАСИДАГИ СОЯ

## *фермер даромадига соя соладими?*

Хабарингиз бор, 2020 йил май ойида давлат раҳбарининг Андижонга ташрифи чоғида қатор лойиҳалар тақдимоти баробарида ғўза орасига соя экиш тажрибасини яратиш, жумладан, янгиликни амалда синаб кўриш масаласи кун тартибига қўйилди. Шундан сўнг вилоятнинг қарийб барча ҳудудларида юзлаб хўжаликларда ғўза қатор ораларига соя экишга киришилди. Янги тажриба муваффақиятли рўёбга чиқиши учун пойтахтдан таклиф этилган қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Дилором Ёрматова деҳқонларга йўл-йўриқ кўрсатиб турди. Чунки олима 2010-2011 йилларда Сирдарё вилоятида юқорида зикр этилган усулни амалиётда синаб, юқори самарадорликка эришган эди-да!

Хўш, соя қандай ўсимлик ўзи? Сўз бораётган тажриба натижалари хусусида гапиришдан аввал мазкур дуккакли экин ҳақида қисқача маълумот берсак.

* * *

Соя – дунё миқёсида бебаҳо ўсимлик сифатида қадрланади. Унинг бир қатор маҳаллий навларини яратган андижонлик олима, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Маъмура Маннопованинг қайд этишича, ривожланган мамлакатларда соя донидан озиқ-овқат саноатида, жумладан, оқсил тақчиллигини бартараф қилишда кенг фойдаланилади. Соя уни калорияси буғдой унига нисбатан бирмунча юқори. Таққос учун: 100 грамм соя унида 450 калория бўлса, шунча миқдордаги буғдой уни 360, мол гўшти 138, тухум 162, сут 66 калорияга эга. Соя сути турли хасталикларга даво экани баробарида чанқоқбосди парҳез ичимлик ҳамдир. Ушбу экиндан олинадиган мойни Ер юзи аҳолисининг 40 фоизи экологик жиҳатдан энг тоза ва яхши ҳазм бўлувчи ўсимлик мойи сифатида истеъмол қилади. АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Исроил каби мамлакатларда соя оқсили асосида донадорлаштирилган оқсил тайёрланиб, ундан колбаса, сарделка, ветчина, окорочка, конфет, торт, пишлоқ сингари юқори тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Хитойликлар унинг донидан 300 хилдан ортиқ таом тайёрлайди.



Юқоридагилардан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, масала бежиз кун тартибига чиқмагани аён бўлади.

* * *

Ана энди амалий ҳаракатлар-у ҳосилнинг чўғидан гаплашсак?

Андижон вилояти бўйича ўтган йили оз эмас, 15 минг гектар майдонга соя экилди. Яъни, ғўза қатор ораларининг 10 минг гектарига уруғ тушган бўлса, тағин 5 минг гектар ерга такрорий экин сифатида жойлаштирилди. Яна ҳам аниқроқ айтсак, 3 минг 608 нафар фермер янгиликни синаб кўрди. Тўрт ойлик саъй-ҳаракатлардан сўнг вилоят бўйлаб олинган якуний натижа эса кутилаётган ҳосилдорликнинг бор-йўғи 38,6 (!) фоизини ташкил этди, холос. Хусусан, режадаги 3 минг 26 тонна ўрнига 1 минг 169 тонна соя дони йиғиб-териб олинди. Бошқа ҳудудлар қатори юқорида зикр этилган Бўстон туманида ҳам 42,7 фоизлик кўрсаткич қайд этилгандики, ҳоким Садбархон Мамитованинг «Соя қани?» дея фермерларнинг бошида нега «қамчи ўйнатгани» аёнлашади.

Саратон офтобида шунча заҳмат-у риёзат (ахир ғўза орасига доналаб уруғ қадаб чиқишнинг ўзи бўладими?) чекиб, яна денг, сояшунос олиманинг тавсиялари асосида дала юмушларини ташкил этган деҳқонларнинг салкам ярим йиллик «тоат-ибодати» нега ҳавога учди? Камига аксарият фермерлар мазкур жараён ортидан даромад ўрнига нега зиён кўришди? Воқеликни бир фермер хўжалиги мисолида таҳлил қилиб кўрайлик-чи, қани?!

**САРАТОН ОФТОБИДА ШУНЧА ЗАҲМАТ-У РИЁЗАТ (АХИР ҒЎЗА ОРАСИГА ДОНАЛАБ УРУҒ ҚАДАБ ЧИҚИШНИНГ ЎЗИ БЎЛАДИМИ?) ЧЕКИБ, ЯНА ДЕНГ, СОЯШУНОС ОЛИМАНИНГ ТАВСИЯЛАРИ АСОСИДА ДАЛА ЮМУШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТГАН ДЕҲҚОНЛАРНИНГ САЛКАМ ЯРИМ ЙИЛЛИК «ТОАТ-ИБОДАТИ» НЕГА ҲАВОГА УЧДИ? КАМИГА АКСАРИЯТ ФЕРМЕРЛАР МАЗКУР ЖАРАЁН ОРТИДАН ДАРОМАД ЎРНИГА НЕГА ЗИЁН КЎРИШДИ? ВОҚЕЛИКНИ БИР ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ МИСОЛИДА ТАҲЛИЛ ҚИЛИБ КЎРАЙЛИК-ЧИ, ҚАНИ?!**

* * *

Олтинкўл туманидаги «Истиқлол» илмий экспериментал фермер хўжалиги раҳбари Тоҳиржон Режаповга ҳам 2 гектар ерга такрорий экин ўрнида соя етиштириш кўрсатмаси берилди. Тоҳиржон Режаповни наинки туманда, вилоятда ҳам яхши билишади: мустақилликнинг дастлабки йилларида бир муддат Олий Мажлисга депутат бўлган. Эллик йиллик деҳқон – фермерлик ҳаракатини биринчилардан бўлиб бошлаб берган илғорлардан. Хўжалик ташкил топибдики, ғалла, пахта ва пилла етиштириш кўрсаткичлари анча-мунча ҳамкасблари ҳавас қилгулик даражада.

Хуллас, Тоҳиржон Режапов ғалладан бўшаган 2 гектар ерга соя экди ва кузда 1 минг 200 килограмм дон олди. Бу – ҳосилдорлик гектар ҳисобига 6 центнердан тўғри келди, дегани. Энди харажат ва даромаднинг мутаносиблигини фермернинг ҳисоб-китоби бўйича чўтга солсак!

Фермер барча учун бирдай тавсия этилган хориж селекциясига мансуб навдан 200 килограмм харид қилганини айтади. Бунинг учун ҳар килограмми 37 минг сўм бўлган уруғлик 7 миллион 400 минг сўмга тушади. Ерни экинга тайёрлаш мақсадида ҳайдов трактори ёлланиб, айни хизмат учун механизаторга 800 минг сўм ҳақ берилади. Бундан ташқари, ҳайдов жараёнида 80 литр дизел ёнилғиси сарфланади. Ҳайдовдан сўнг ер текислаш, эгат олиш ҳамда борона қилиш агротехник тадбирларига ҳам яна 80 литр ёнилғи ишлатилади. Ихтиёрида ерга уруғ қадовчи техника йўқлиги боис, қўл меҳнатига суянади: 5 киши ҳар бири кунига 80 минг сўмдан ҳақ олиб, икки кун давомида 800 минг сўм эвазига уруғни экиб беради. Лекин ўсимлик бўй кўрсатган паллада уруғликнинг 50-60 фоизи униб чиқади, холос. Ҳосилдорлик яхши бўлмаслигини кўз олдига келтирган фермер яккам-дуккам кўчатлар орасига иккинчи марта уруғ эктиради. Бунинг учун деҳқон аёллар 250 минг сўм хизмат ҳақи олишади. Ана шундан кейингина даланинг 85-90 фоиз қисмида кўчат униб чиқади.

Парвариш жараёни бошланишидан то ҳосил етилгунга қадар экинзорга 1 миллион сўмдан зиёд маблағ эвазига ўғит солинади. Тўрт бор суғорилади. Бунинг учун сувчи гектар ҳисобига 50 минг сўмдан жами 400 минг сўмни қуртдай санаб олади. Тўғри-да, мушук текинга офтобга чиқармиди? Экинзорни бегона ўтлардан тозалаш ва шу каби бошқа тадбирларга нақд пул сарф этилмайдики, бу юмушлар баҳонасида фермернинг оила аъзолари кеч кузгача даладан бери келмаганини таъкидлаш шарт бўлмаса керак?

**АСЛИДА, СОЯ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ АНДИЖОНЛИК ДЕҲҚОНЛАР УЧУН ЯНГИЛИК ЭМАС. ЙИГИРМА ЙИЛЛАР АВВАЛ УШБУ ЭКИНГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИЛИБ, КАТТА МАЙДОНЛАРДА ЕТИШТИРИЛГАНИ МАЪЛУМ. АЙНИ КЕЗЛАРДА АНДИЖОН ЁҒ-МОЙ КОРХОНАСИ ТАРКИБИДА СОЯ СУТИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ТЕХНОЛОГИЯ ЖОРИЙ ЭТИЛГАН, ТАКРОРИЙ ҲОЛАТДА ПАРВАРИШ ҚИЛИНГАН ЎСИМЛИКДАН ГЕКТАР ҲИСОБИГА 20-24 ЦЕНТНЕРДАН ҲОСИЛ ОЛИНГАН ЭДИ.**

Шу тариқа ҳосил пишиб етилади ва икки кун мобайнида беш нафар ўримчи 500 минг сўм хизмат ҳақи эвазига икки гектар ердаги сояни юлиб, хирмонга ғарамлайди. Комбайнчи эса 20 литр ёнилғи ва фермернинг қўлидаги 200 минг сўмни кўргач, соя донини бир зумда поясидан ажратиб беради. Умумий ҳосилдорлик эса, юқорида айтганимиздек, 1 минг 200 килограммни ташкил этади. Демак, икки гектарга экилган уруғ то пишиб етилиб, донга айланиб, хирмонга тўкилгунча фермер 13 миллион сўмнинг нари-берисида харажатга тушяпти.

Фермерлар етиштирган соя донини ёғ-мой корхонаси харид қилаётган экан: ҳар килограммига 8 минг сўмдан ҳақ тўлаб! Табиийки, Тоҳиржон Режапов сингари бошқа ҳамкасблари ҳам харидорни саволга тутишади: «Уруғликни 37 минг сўмдан олиб, ҳосилини 8 минг сўмдан сотамизми? Қани адолат?» Буюртмачи соянинг харид баҳосини айни нарх-наводан оттиролмаслигини очиқ-ойдин айтадики, гапнинг мазмунидан «Хоҳласанг – шу, бўлмаса – катта кўча!» деган оҳанг сезилганини илғаётган бўлсангиз керак. Айни вазиятда фермерларда «Сен бўлмасанг, бошқаси!» дея бошқа харидор излаш имконияти йўқ ҳисоби – маҳсулотини кўтарасига харид қилишга кимнинг ҳам кўзи учиб турибди дейсиз? Боз устига одамлар соя мойи ёки соя унини доимий истеъмол қилишга ўрганмаган бўлса?

Қисқаси, бошқа фермерлар қатори Тоҳиржон Режапов ҳам минг машаққатда етиштирган ҳосилини 9 миллион 600 минг сўмга ягона харидорнинг қўлига тутқазишга рози бўлади. Ҳолатнинг ҳисоб-китоби мактаб ўқувчисига ҳам аён: фермер шунча куйиб-пишиши эвазига бунёд бўлган ҳосилдан ўртача 3 миллион сўм зиён кўряпти.

Ана энди бир таққослаб кўринг: Олтинкўл томонларда такрорий экин ўрнида бир гектар ерда супурги парваришлаган деҳқон якунда камида 5 миллион сўм соф фойда олади. Шундай экан, икки гектар ерга соя экиб, якунда 3 миллион сўм зиён кўрган маъқулми ёки супурги парваришидан 10 миллион сўм соф даромад олишми? Ана энди 10 гектарлаб соя парвариш қилганларнинг кўрган зарар миқдорини хомчўт қилиб кўринг.

* * *

Ушбу жумлаларни ўқиган қишлоқ хўжалиги мутасаддилари орасида эътироз билдирувчилар топилиши мумкин: фермернинг ўзи нўноқдир-да, бор-йўғи 6 центнердан ҳам ҳосил оладими? Аммо келтирилаётган далил ягона эмас-да! Вилоят бўйлаб белгиланган режалар аро йўлда қолиб кетганини юқорида тилга олдик. Бундан аёнки, соя экиб зиён тортган юзлаб фермерларнинг аҳволи Тоҳир Режаповнинг ҳолатидан кам эмас!

Умумий манзара шундай экан, соя етиштиришнинг турган-битгани зиён демоқчимизми? Йўқ, асло! Қайтанга, мазкур экиннинг бебаҳолигини инкор этмаган ҳолда, янгиликни амалиётга жорий этишда илмий ёндашув етишмагани, хориждан келтирилган уруғликнинг маҳаллий навларга нисбатан бир неча баробар қиммат нархда экани-ю, катта-катта рақамларни қувиш ортидан кўплаб фермерларнинг «шўрига шўрва тўкилганини» таъкид этмоқчимиз, холос.

Аслида, соя парвариш қилиш андижонлик деҳқонлар учун янгилик эмас. Йигирма йиллар аввал ушбу экинга алоҳида эътибор берилиб, катта майдонларда етиштирилгани маълум. Айни кезларда Андижон ёғ-мой корхонаси таркибида соя сути ишлаб чиқарувчи технология жорий этилган, такрорий ҳолатда парвариш қилинган ўсимликдан гектар ҳисобига 20-24 центнердан ҳосил олинган эди. Ҳатто, соянинг дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтида яратилган маҳаллий навларини Асака тумани фермерлари синаб кўриб, эртаки экин ҳисобига ҳосилдорликни ҳар гектар майдондан 35-40 центнергача етказишаётгани ҳам айни ҳақиқат.

Ҳозирги ҳолатда-чи? Хориждан келтирилган уруғлик бўйича фермер кимга даъво қилади? Дангал гапни айтсак, фермернинг арз-додига ким қулоқ солади?

Ҳар қандай янгилик, айниқса, турган-битгани меҳнат ва харажат билан боғлиқ бўлса, оммавий равишда эмас, балки бир нечта тор доираларда эксперимент қилиниши нодонгаям аён! Узоққа бормайлик, Андижонда жорий этилган чигитни плёнка остига экиш тажрибаси ҳам саноқли хўжаликларда бир неча йил давомида олимларнинг узлуксиз назорати остида синовдан ўтказилиб, мавсумий натижалар таққосланиб, илмий тавсиялар умумлаштирилиб, янгича ёндашув яхши ўзлаштирилгандан сўнггина катта майдонларда қўллашга изн берилган эди-ку!

Зикр этилаётган ҳолатда эса деҳқонларнинг тушига ҳам кирмаган янги тажрибани биринчи йилиёқ минглаб фермер хўжаликларида – 10 минг гектар ғўза орасида оммавий синаб кўришга тушиб кетилди. Устига устак, ҳар бир фермер хўжалигига бажарилиши мажбурий ҳисобланмиш режа қўйилдики, деҳқончиликни уддалай олмаганларнинг вазиятдан қандай чиққанлиги ўзиларигагина маълум. Ахир ҳар бир ўсимликнинг ўз агротехникаси бор. Битта эгатда икки хил экинни парвариш қилиш ортидан келадиган даромад ва буромад ҳар қандай тарози палласини ўйнатиб юбориши янгилик эмас-ку. Шундай экан, ҳали ўзини оқлаб улгурмаган тажриба учун ҳар бир фермерга режа қўйилиши қай даражада адолатли?

Афтидан, бу йил ҳам ўтган мавсумдагидан-да каттароқ майдонларга соя экинини жойлаштириш масаласи ҳозирданоқ кун тартибига чиқмоқда. Бу гал ҳам «оғзим куйиб қолмасин» дея ўйланаётган фермерлар экин-тикин ишларида «бирор-бир экспертдан аниқ-тиниқ маслаҳат олайин» деса, йўл-йўриқ кўрсатадиган, масъулиятни бўйнига оладиган мард топилмаяпти. Бирдан-бир маслаҳатчи – Дилором Ёрматованинг сўз бораётган масалада 2010-2011 йилларда Сирдарёда тажриба ўтказиб, катта натижага эришгани ҳақидаги икки энли маълумот матбуотда қайта-қайта ёзилган бўлса-да, «Қандай қилиб? Қанақасига? Ниманинг эвазига?» сингари саволлар гирдобида ўйланаётган андижонлик аксарият деҳқонларда ҳозирча бу мавзуда бирор-бир тасаввурнинг ўзи йўқ.

**Нурилло НЎЪМОНОВ,**
«ISHONCH»



**«Ishonch»га жавоб берадилар**

# КЎП ҚАВАТЛИ АВТОТУРАРГОҲЛАР ҚУРИЛИШИ МАҚСАДГА МУВОФИҚ



**«Ishonch» газетасининг ўтган йил 8 сентябрь 98-сонида чоп этилган «Тошкент йўлларида автомобилдан сақланинг» сарлавҳали мақола бўйича муносабат билдириш учун Тошкент шаҳар ҳокимиятига йўлланган мурожаатга Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасидан қуйидагича жавоб келди:**

«Мақолада жуда долзарб масалалар кўтарилган. Мамлакатимизда автомобилсозлик саноатининг ривожланиши, автомобиллар сонининг йилдан-йилга ошиб бориши айни пайтда нафақат Тошкент шаҳри, балки бутун республикага ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва Тошкент шаҳри кўчаларида тирбандликларни камайтириш бир неча йиллардан буён алоқадор ташкилотларнинг мутахассислари томонидан ўрганилмоқда ва уларни бажариш бўйича режа ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Келгусида мутахассислар томонидан ушбу тизимни такомиллаштириб бориш, Тошкент шаҳрига кириб келаётган транспорт воситаларига махсус автотурарагоҳларни, йўловчилар учун автобуслар шоҳ бекатларини ва такси тўхташ жойларини ташкил этиш режага киритилган.

Шунингдек, Тошкент шаҳри кўчаларида тирбандликларнинг олдини олиш, йўл ҳаракати иштирокчиларига қулай шароитлар яратиш мақсадида метро бекатлари, йирик бозор, савдо мажмуалари ва аҳоли зич жойлашган ҳудудларда кўп қаватли автотурарагоҳлар қуриш бўйича Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан Тошкент шаҳар ҳокимиятига тақдимнома киритилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 5.02.2018 йилдаги баёнига асосан, кўп қаватли автотурарагоҳларни Тошкент шаҳрида туманлар кесими бўйича жойлаштириш рўйхати кўриб чиқилган.

Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан тайёрланган таклифларга мувофиқ, Тошкент шаҳрининг янги қурилиш объектлари учун таклиф этилган ер майдонларида етарли сиғимга эга бўлган автотурарагоҳ ташкил этиш ҳамда атрофида ташкил этилиши лозим бўлган кўча ва йўллар меъёрий ҳужжат талабларига мос келиши шарти билан ушбу объектларнинг қурилишига Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси қарши эмас.

Баён этилганларни инобатга олган ҳолда, масаланинг ечими сифатида кўп қаватли автотурарагоҳлар қурилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз».

**Тошкент шаҳар ИИББ**
**Йўл ҳаракати хавфсизлиги**
**бошқармаси бошлиғи** **Р.ЖАЛИЛОВ**

# ВАЪДА БАЖАРИЛАДИ



**«Ishonch» газетасида чоп этилган «Ваъда бажариладими?» сарлавҳали мақолага Сурхондарё вилояти автомобиль йўллари ҳудудий Бош бошқармаси қуйидагича муносабат билдирди:**

«Мақолада кўрсатиб ўтилган умумий фойдаланишдаги давлат аҳамиятидаги 4Р-105 «Дарбанд қ. – Бойсун ш. – Элбаён қ.» автомобиль йўлининг Қумқўрғон тумани ҳудудидан ўтувчи 70-89 км. қисмини 2020 йилда жорий таъмирлаш ишларини пудратчи Қумқўрғон ва Бойсун тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхоналари амалга оширган.

Ушбу автомобиль йўлини 2020 йилда жорий таъмирлаш учун жами 3 990,950 млн. сўмлик маблағлар ажратилди, жумладан, «Инқирозга қарши курашиш» жамғармаси маблағлари ҳисобидан – 1.200,0 млн. сўм ҳамда жорий таъмирлаш дастури маблағлари ҳисобидан – 2 790,950 млн. сўм.

Бош пудратчилар томонидан 2020 йилда объектга ажратилган маблағлар доирасида 4 786,8 минг сўмлик (120 фоиз ) 4,9 км. узунликдаги қисмида қум-шағал аралашмаси ёрдамида йўл асосини қуриш, 4,2 км. узунликдаги қисмида асфальтбетон йўл қопламасини қуриш ва қора қоплама ётқизиш, 0,6 км. узунликдаги қисмида йўл қопламасига сиртқи ишлов бериш, йўл ёқасини мустаҳкамлаш ва йўл ётиқ чизиқларини белгилаш ҳамда йўл белгилари билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ушбу автомобиль йўлида белгиланган жорий таъмирлаш ишлари йўл ишларининг мавсумий хусусиятини инобатга олиб, 2021 йил 3-чораги якунлари билан тўлиқ амалга оширилишини маълум қиламиз».

**Сурхондарё вилояти автомобиль**
**йўллари ҳудудий Бош**
**бошқармаси бошлиғи** **Ж.ҚИЛИЧЕВ**

# Тармоқ келишувлари имзоланди



Саидакбар АБДУРАИМОВ олган суратлар

1

– Бугунги кунга келиб соҳага алоқадор давлат бошқаруви органлари, вазирликлар, жамоат ташкилотлари ва ижодий уюшмалар билан яқин ижтимоий шериклик алоқалари йўлга қўйилди, – дейди Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Шуҳрат Деҳқонов. – Ҳамкорлик алоқаларининг натижаси ўлароқ, бугунги тадбирда ижтимоий шерикларимиз – Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, «Ўзбеккино» Давлат унитар корхонаси ҳамда Бадиий академия билан тармоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, меҳнат шартлари ва унга ҳақ тўлаш, тармоқ ходимларининг ижтимоий кафолатларини белгилаб берувчи Тармоқ келишувлари имзоланишига эришилди.

Қабул қилинган Тармоқ келишувларига маданият, кино ва тасвирий санъат тизимида фаолият олиб бораётган ходимларни рағбатлантириб бориш, соҳага малакали мутахассисларни жалб этиш мақсадида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини қайта кўриб чиқиш, ходимларга уй-жой сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашиш, соҳа вакилларининг халқаро лойиҳалардаги иштирокини таъминлаш орқали тажриба алмашиш тизимини йўлга қўйиш каби долзарб масалалар киритилди.

Шунингдек, кино саноати, номоддий маданий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган халқ ижодиёти, тасвирий санъат йўналишларидаги энг ёрқин асарларни халқаро ареналарга олиб чиқиш тизимини жорий этиш, ҳар йили туризм соҳасида илғор натижаларга эришган ходимларга ҳордик чиқариши, соғлигини тиклаши учун касаба уюшмалари сиҳатгоҳларига имтиёзли йўлланмалар ажратиш, маданият ва санъат соҳаси ходимлари учун соғломлаштириш марказини ташкил этиш, маданият ва санъат йўналишидаги олийгоҳлар талабаларининг хорижий давлатлардаги нуфузли олий ўқув юртларида ўқув амалиётини ўтишларига эришиш каби жиҳатлар ҳам ўрин олган.

Бундан ташқари, ёш умидли иқтидорларни оталиққа олиш, уларнинг дунё саҳнасига чиқишига биргаликда кўмак бериш, ўқув йили давомида муваффақиятларга эришган энг иқтидорли ва ижтимоий-иқтисодий кўмакка муҳтож талабалар учун «Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси стипендияси»ни жорий этиш йўналишларидаги ишлар ҳам амалга оширилади.

– Халқнинг маданияти, маърифатини оширишга хизмат қилиб келаётган соҳа ходимларининг ҳимоячиси бўлган касаба уюшмалари билан ўзаро келишган ҳолда олиб борилаётган ишлар алоҳида таҳсинга лойиқ, – деди Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқали Қозоқов. – Албатта, Бадиий академия тизимида ҳам жуда катта хайрли ишлар олиб боriляпти. Касаба уюшмалари билан бугун имзоланган Тармоқ келишуви асосида амалга ошириладиган ишлар эса, ўйлайманки, тез орада ўз натижасини беради. Умуман, буюк келажагимизни барпо этишда бу келишув муҳим омил бўлади.

Имзоланган Тармоқ келишувларининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, уларда кўп йиллар мобайнида меҳнат қилиб, халқ эътиборини қозонган, юртимиз маданияти ва санъати ривожига улкан ҳисса қўшган устоз ва фахрийларга эътиборни кучайтириш, ғамхўрлик ва эъзоз кўрсатиш масалалари ҳам ўз аксини топган. Хусусан, тармоқ келишувларига мувофиқ волонтёрларни жалб этган ҳолда якка-ёлғизлардан хабар олиш, туғилган кун ва касб байрамларида фахрийларни муносиб тақдирлаш, улар ҳаётидаги ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш, тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштириш мақсадида «Фахрийлар поездлари»ни ташкил этиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида шифохона ва сиҳатгоҳларда даволаниш ҳамда дори-дармон харажатлари учун моддий ёрдам кўрсатиш ишлари олиб борилади.



**Салим АБДУРАҲМОНОВ,**
«ISHONCH»

## Илмий анжуман



## ЯНГИЧА ҚАРАШЛАР ВА ЯНГИ ФИКРЛАР

**Пойтахтимизда Фанлар академияси Тарих институти Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан биргаликда академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи ҳамда тарихшунослиги масалалари» мавзусида 77-умуммиллий йиғинини ўтказди.**

Анжуманда республикада фаолият кўрсатаётган ижтимоий-гуманитар йўналишдаги илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари ҳамда бошқа муассасалардаги илмий ходимлар, профессор-ўқитувчилар, магистр ва талабалар онлайн тарзда масофадан иштирок этди.

Қизғин савол-жавобларга бой, янгича қарашлар ҳамда янги фикрлар асосида ўтган илмий анжуманда тарихчиларимизни қизиқтирган масалалар атрофлича муҳокама этилди.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
**«ISHONCH»**

## Акс-садо

# Рақобат йўқ жойда коррупцияга йўл очилади

**«Ishonch» газетасининг 2021 йил 4 февраль сонидаги «Сифат масаласими ёки монополия?» сарлавҳали мақолани ўқиб...**



Монополия бор жойда рақобат ва ривожланиш бўлмаслиги исбот талаб этмайдиган аксиома. Барча соҳаларда рақобат муҳитини яратиш, холислик ва шаффофликни таъминлаш масаласи кун тартибига қўйилган бир пайтда Халқ таълими вазирлигининг дастур, дарслик ва қўлланмалар яратиш соҳасида амалга ошираётган ислоҳотларда, афсуски, бунинг аксини кўряпмиз.

Хўш, дарсликлар соҳасидаги монополияни ким назорат қилади? Ушбу соҳада монополия ўрнатишдан ким ёки қайси ташкилот манфаатдор?

Монополияга қарши курашиш қўмитаси республикамизнинг товар ва молия бозорларида рақобат муҳити ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устун мавқеини суиистеъмол қилиши, «картель» келишувлари ва тил бириктириш, инсофсиз рақобатни аниқлаш ва уларга чек қўйиш билан шуғулланади.

Интеллектуал мулк агентлиги эса интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлайди. Демак, дарсликлар масаласи ҳар икки ташкилотга ҳам таъаллуқли эмас.

Халқ таълими вазирлиги дарслик ва қўлланмаларнинг ҳам яратувчиси, ҳам истеъмолчиси ҳисобланади ва ушбу жиҳат, бизнингча, мазкур соҳада монополияга кенг йўл очади. Ўрнатилган тартибга кўра, дарсликлар вазирлик ҳузуридаги Республика таълим маркази томонидан яратилади ва тажриба-синовдан ўтказилади. Дарсликларнинг санитария меъёрларига жавоб беришини Бош давлат санитария врачи тасдиқлайди.

Кўриниб турибдики, айрим ташкилотлар билан келишилишини ҳисобга олмаса, дарслик ва қўлланмаларни яратишдаги барча асосий жараёнларни Халқ таълими вазирлиги тасарруф этади.

Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва қўлланмалар яратиш, чоп этиш ва қайта нашр этиш учун ҳар йили давлат бюджетидан миллиардлаб маблағ ажратилиши назарда тутиладиган бўлса, ушбу йўналишдаги монополия қанчалар зарарли эканини англаш сира қийин эмас. Қолаверса, бу таълим-тарбия, ўз навбатида, дарслик ва қўлланмалар сифати ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Президентнинг 2020 йил 6 ноябрдаги «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, барча фанлардан яратилаётган Миллий ўқув дастурини жорий қилиш бўйича тажриба-синов ишларини лозим даражада ўтказиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказига қуйидаги ваколатлар берилган:

– умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти, таянч ва вариатив ўқув режалари ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш;

– Халқ таълими вазирлиги буюртмасига асосан муаллиф ва тузувчиларни танлаш ҳамда дарсликлар ва ўқитувчилар учун методик қўлланмаларнинг ягона макетларини яратиш;

– яратилган дарсликлар ва ўқитувчилар учун методик қўлланмаларни экспертиза қилиш, уларни таълим тизимида қўллаш бўйича хулоса бериш;

– ўқув режа, дастурлар, яратилган дарслик ва ўқитувчилар учун методик қўлланмаларни тажриба-синовдан ўтказиш ишларига раҳбарлик қилиш.

Халқ таълими вазирлиги қарор лойиҳасини тайёрлаш жараёнида белгиланган вазифаларни ўз режасига мувофиқ шакллантирганлигини инкор этмаса керак. Лекин Миллий ўқув дастурлари ҳамда дарсликларга муаллиф ва тузувчиларни танлаб олиш жараёни қандай кечди? Муаллифлар ва тузувчиларни танлашда қайси мезонларга асосланилди?

Билишимизча, Республика таълим маркази новатор, деб тан олган ва Миллий дастурларни яратган жамоа ҳар бир фан бўйича барча синфлар учун дарсликлар яратишга ҳеч қандай танловларсиз жалб этилган. Гарчи муаллиф ва тузувчиларни танлаб олиш бўйича ижтимоий тармоқларда номига эълонлар берилган бўлса-да, ариза йўллаган номзодларнинг сўровлари бутунлай беэътибор қолдирилган, натижаси бўйича маълумот берилмаган.

Бу ўринда яна бир тушунарсиз ҳолат борки, изоҳ талаб этади. Бундан икки-уч йиллар аввал Халқ таълими вазирлиги таълим мазмуни ва сифатини яхшилаш учун муқобил дарсликларни яратиш ва таълим тизимига жорий этиш бўйича ташаббусларни зўр бериб тарғиб қилган эди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 апрелдаги «Умумтаълим мактаблари учун муқобил дарсликларни яратиш ва улардан фойдаланиш тизимига босқичма-босқич ўтиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва шу қарор асосида «Умумий ўрта таълим мактаблари учун муқобил дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни тақдим этувчи ижодий жамоаларга йўриқнома» ҳам ишлаб чиқилган эди (бу ҳақда Халқ таълими вазирига йўллаган очиқ хатимизда ҳам мулоҳаза юритган эдик). Республика таълим маркази танлаб олган гуруҳ дарсликлар ва ўқитувчилар учун методик қўлланмаларнинг ягона макетларини яратишни муқобил дарсликлар яратилмаслигига ишора, деб тушуниш керакми?

Мақолада муаллиф қайд этганидек, дарсликлар давлат аҳамиятидаги товарлар рўйхатига киритилган бўлиб, шу пайтгача уларни яратиш жараёнида уч босқичли танловлар ўтказилар эди. Яъни, дастлаб дарсликни яратувчи энг яхши ижодий жамоалар, кейин энг яхши дарслик ва ниҳоят дарсликни чоп этиш бўйича мақбул нашриёт танлаб олинар эди. Тўғри, бу жараёнлар ҳамиша силлиқ, холис ва шаффоф ўтган, инсон омили аралашмаган, деб бўлмайди, лекин бир неча муаллифлар гуруҳлари ғолиблик учун рақобат олиб боргани рост.

Яқин-яқинларгача коррупция, манфаатлар тўқнашуви ҳамда турли гап-сўзларнинг олдини олиш мақсадида Республика таълим марказининг масъул ходимлари ёки раҳбарлари дарслик муаллифи ёки тузувчиси сифатида танловларда иштирок этиши мумкин эмас эди, аниқроғи, бунга йўл қўйилмасди. Эндиликда шу оддийгина этика қоидаларига ҳам амал қилинмаяпти – марказ директорининг фамилияси 5-синф «Она тили» ва «Тарбия» дарсликлари муқовасини безаб турибди.

Айтмоқчи бўлганимиз, дарслик ва қўлланмалар таълим мазмунини белгиловчи асосий манба экан, уни яратиш жараёнида ҳам рақобат муҳити, холислик ва шаффофлик таъминланиши, ушбу ишга қодир бўлган олим ва амалиётчиларга тенг имконият берилиши шарт. Акс ҳолда, ушбу соҳада монополия нафақат сифатга таъсир кўрсатади, балки таниш-билишчилик, коррупция ва манфаатлар тўқнашувига кенг йўл очади.



**Шаҳноза ЭРГАШЕВА,**
филология фанлари номзоди

*Тошкент шаҳри* | Тадбир

# АЖДОДЛАРГА ЭҲТИРОМ



**Таълим масканимизда она тили ва адабиёти фан ойлиги ўзгача шукуҳда ўтди. Хусусан, Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб уюштирилган бадиий кечада аждодларимизнинг мумтоз адабиётга, тилшуносликка қўшган улкан ҳиссаси ҳақида сўз борди.**

Бундан ташқари, фан ойлиги давомида «Миллий боғ»да жонли дарс ўтказилди. А.Навоий музейига саёҳат уюштирилди. Шунингдек, ўқувчилар ўртасида икки ижодкор ижодига бағишлаб, «Энг яхши иншо», «Энг яхши диктант», «Энг яхши мақола» танловлари ташкил этилди.

Аслида, бундай буюк зотларни фақат турли тадбирларда эмас, балки ҳар куни ёд этмоқ жоиз. Зотан, мумтоз адабиётга, илм-фанга муносиб ҳисса қўшган шахсларнинг ҳаёти ва ижодини қанча тарғиб қилсак шунча оз.

**Сабоҳат ТЎХТАБОЕВА,**
Тошкент давлат транспорт университети академик лицейи ўқитувчиси

*Тошкент вилояти*

# ҚАЛДИРҒОЧЛАР ПАРВОЗГА ШАЙ



**Чирчиқ давлат педагогика институтида «Талабаликка бағишлов» мавзусида тадбир ташкиллаштирилди. Унда раҳбарият ва ўқитувчилар, талабалар, ота-оналар иштирок этди.**

Институт ректори, профессор Ғофуржон Муҳамедов ўз чиқишида биринчи босқич талабаларини ўқишга қабул қилинганлиги билан самимий табриклади ҳамда олий даргоҳнинг илк қалдирғочларига келгуси фаолиятида улкан зафарлар тилади.

Тадбирда йиғилганларга институт фаолияти акс этган ижтимоий ролик намойиш этилди. Айниқса, мусиқа таълими йўналиши талабалари ижросидаги «Бу менинг отам» мусиқий композицияси барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

**Бахтигул ЭСОНОВА,**
Юнусобод туманидаги 247-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси

## Ҳафталик

# СОҒЛОМ ТАНДА – СОҒ АҚЛ



**«Ўзбеккўмир» АЖ тизимидаги корхоналарда меҳнат қилаётган аёллар ўртасида «Соғлом танда – соғ ақл» шиори остида волейбол мусобақаси ўтказилди.**

Жамоада соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда 11 та филиал ўз жамоаси шарафини ҳимоя қилди.

Якунда биринчи ўрин «Тоғ-кон технологик ускуналар таъмирлаш заводи» филиали жамоасига, иккинчи ва учинчи ўринлар «Энергия ва телекоммуникация тармоқлари» ҳамда «Темир йўл транспорти» филиали жамоаларига насиб этди.

Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Нодира ҒАНИЕВА,**
«Ангрен кўмир кони» иш юритувчиси

**Эълонлар**

Тошкент меҳмонхона хўжалиги (ҳозирги Туризм ва бизнес) касб-ҳунар коллежи томонидан 2006 йилда Камилова Мухайё Абдугаппаровна номига берилган К№537791 рақамли диплом йўқолгани маълум қилинади.

* * *

Тошкент шаҳар, Сергели тумани давлат хизматлари маркази томонидан 2009 йил 12 февралда 4611-08-сон билан рўйхатдан ўтган «Credo Max Estimation» хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик асосида ўтган ҳолда «Credo Max Estimation» МЧЖга ўзгартирилади.
Тел:. +998911640140.

Энергетика, нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси касаба уюшмалари соҳасида узоқ йиллар самарали фаолият юритган меҳнат фахрийси **Рустам ТУРДАЛИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:**

Қудратилла РАФИҚОВ *(таҳрир ҳайъати раиси)*,
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ *(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)*,
Темур МАМАЖОНОВ *(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича)*,
Меҳриддин ШУКУРОВ *(Масъул котиб – «Ishonch»)*,
Валентина МАРЦЕНЯК *(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)*

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-99) 889-90-22
**Андижон вилояти** – (+998-99) 889-90-23
**Бухоро вилояти** — (+998-99) 889-90-31
**Жиззах вилояти** – (+998-99) 889-90-34
**Наманган вилояти** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий вилояти** – (+998-99) 889-90-28
**Тошкент вилояти** — (+998-99) 889-98-44
**Самарқанд вилояти** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё вилояти** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё вилояти** – (+998-99) 889-90-32
**Фарғона вилояти** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм вилояти** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё вилояти** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
С. Абдураҳмонов

**Мусаҳҳиҳлар:**
С. Шодиева,
З. Холмуҳаммедова

**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **22:30**
Топширилди – **23:55**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г – 306.**
**30475** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

**Баҳоси келишилган нархда**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Корхона манзили:**
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130